

“МУҲОКАМАТ УЛ-ЛУҒАТАЙН” АСАРИДА ҚИЁСИЙ МЕТОДОЛОГИЯ АСОСЛАРИ

Халлиева Гулноз Искандаровна,
ЎзДЖТУ профессори, филология
фанлари доктори
gulnoz7410@mail.ru

***Абстракт.** Ушбу мақолада Алишер Навоийнинг «Муҳокаमत ул-луғатайн» асари қиёсий адабиётшунослик методологияси, жумладан тарихий, гносеологик, методологик, мантиқий, маънавий-ғоявий каби мезонлар асосида таҳлил қилинган.*

***Калит сўзлар:** Алишер Навоий, «Муҳокаमत ул-луғатайн», қиёсий адабиётшунослик, тарихий, гносеологик, методологик, мантиқий, маънавий-ғоявий, мезон, миллий гуруҳ*

***Abstract.** In this article, Alisher Navoi's work "Muhokamat ul-lughatayn" is analyzed based on the methodology of comparative literary studies, including historical, epistemological, methodological, logical, spiritual-ideological criteria.*

***Key words:** Alisher Navoi, "Muhokamat ul-lughatayn", comparative literary studies, historical, epistemological, methodological, logical, spiritual-ideological, criterion, national pride*

Қиёсий адабиётшунослик, бадий асарларни қиёсан ўрганиш методологияси ва тамойиллари бўйича Европа, Россияда жуда кўп дарслик ва ўқув қўлланмалар яратилган. Улар адабий компаративистиканинг турли хил масалаларига бағишланган. Аммо ўзбек адабиётшунослигида қиёслаш методининг яхлит назарияси, методологияси ва методикаси ишлаб чиқилмаган. Қиёслаш усулининг таҳлил, синтез, индукция, дедукция ва ҳоказоларга муносабати ва ўзаро алоқаси борасида муайян тўхтамга келинмаган. Нимани, қачон, нима билан, нима учун қиёсласа бўлади? каби саволларга ўзбек адабиётшунослигининг замонавий назарияси бизга тўлиқ ва аниқ жавоблар бермаган.

Анча йиллардан буён қиёсий адабиётшунослик методологияси билан шуғулланиш натижасида компаративистик йўналишда ёзилган тадқиқотларни муайян мезонлар асосида таҳлил ва талқин қилиш малакаси шаклланди. Жумладан, Алишер Навоийнинг икки тил қиёсига асосланган “Муҳокаमत ул-луғатайн” асарини ҳам мазкур мезонлар асосида баҳолаш ва қадрлаш имкони туғилди.

Қиёсий адабиётшунослик ёки адабий компаративистиканинг **объекти** адабий жараён дур. Бадий адабиётни ўрганиш билан боғлиқ барча масалалар адабий компаративистиканинг предметини ташкил этади. Қиёсий тадқиқотлар учун асосий метод ҳисобланган қиёсий-тарихий метод [Эшонбобоев, 2008: 38-46]. адабий жараён динамикасини, ворисийлик ва анъаналар алмашинувини,

бадий кадриятларни тўлиқ англашда ёрдам беради. Илмий адабиётларда изоҳланишича, қиёсий таҳлил натижаларини тарихий, гносеологик, методологик, мантиқий, маънавий-ғоявий каби мезонлар асосида баҳолаш имкони мавжуд. [Минералов , 2018]

Тарихий мезон – қиёсий таҳлил натижаларининг тарих фактларига қанчалик мос келишини баҳолашдир.

Гносеологик мезон – қиёсий таҳлил натижаларини уларнинг билиш назарияси қонунлари ва тамойилларига мос келиши нуқтаи назаридан баҳо беришдир.

Мантиқий мезон – қиёсий таҳлил натижаларининг мантиқ қонунлари талабларига мос келишини баҳолашдир.

Методологик мезон – қиёсий таҳлил натижаларининг - қайси методларга тўғри келиши ёки келмаслиги нуқтаи назаридан баҳолашдир.

Маънавий-ғоявий мезон – бу қиёсий таҳлил натижаларининг жамият маънавияти, ғоявий мақсадларига қай даражада мос келишини эътиборга олиб, баҳо беришдир.

Энди юқоридаги мезонлар асосида Алишер Навоийнинг “Муҳокамат ул - луғатайн” асаридаги қиёсий таҳлил натижаларини баҳолашга ҳаракат қиламиз.

Қиёсий таҳлил жараёнида Навоий туркий ва форсигўй шоирларни изоҳлар экан, уларнинг қайси замонда яшаб ўтгани, қандай зафарларга эришгани, ижоди ҳақида **тарихан** тўғри ва аниқ далилларни келтиради. Масалан, темурийлар давридаги шоирлар ҳақида шундай ёзади: “...аммо Султон Соҳибқирон Темур Кўрагон замонидан унинг ўринбосар фарзанди Шохрух Султон замонининг охиригача турк тили билан шоирлар пайдо бўлди. Ва ул ҳазратнинг авлод ва неваларидан ҳам яхши дидли султонлар кўриниш берди: шоирлар Саккокий ва Ҳайдар Хоразмий ва Атоий ва Муқумий ва Яқиний ва Амирий ва Гадоийдеклар. Ва форсийларнинг шоирлари қаришисида киши пайдо бўлмади, бир Мавлоно Лутфийдин ўзгаким, бир неча матлаълари борким, таъб аҳли, сўзни тушунадиган одамлар қошида ўкуса бўлур. Ул жумладан бири будурким,

Байт:

Улки хусн этти баҳона элни шайдо қилгали,

Кўзгудек қилди сени ўзини пайдо қилгали. [Навоий, 2021: 286].

Алишер Навоий келтирган– қиёсий таҳлил натижалари жуда асосли, улар билиш назарияси қонунлари ва тамойилларига, яъни **гносеологик** мезонга тўла мос келади. Масалан, **ўқирмак** сўзини изоҳлар экан, бу сўз ўрнини босувчи сўз форсий тилда йўқлигини, форсигўй шоир бунингдек нозик мазмун

адосидан маҳрумлигини алоҳида таъкидлайди. “Яна қаттиқ, баланд овоз билан гавго, тўполон билан йиғлагайлар, уни ўқирмак дерлар ва туркчада ул маънида бу бошланма борким,

Байт:

Ишим тоғ узра ҳар ён кўзим сели лойқасини сурмоқдир, Айрилиқ кўркувидан ҳар дам булут янглиз ўқирмақдир.

Яна йиғламоқнин ўқурмаки муқобаласида инчкирмак ҳам бо ва ул инчка ун, ингичка, чийиллоқ товуш била йиғламоқдир ва ул турк тилида бу кўриниш, тарки билан адо топибдурким,

Байт:

Чарх зулмидаки бўғзимни қириб йиғлармен,

Игирур чарх (киби) инчкириб йиғлармен”. [Навоий, 2021: 250-251]

Навоийдек буюк даҳолар айнан **мантиқ** қонуниятларини яхши билишган ҳолда ижод қилишган. Шунинг учун ҳам шоир туркий тилдаги бир қанча сўзларни маънолари билан изоҳлар экан, бу тилнинг бошқа тиллардан ҳеч ҳам кам эмаслигини мантиқан тўғри изоҳлайди: “Турк сўзлари ва ибораларида бундай нозикликлар кўпдирким, бу кунга дегунча, бугунгача ҳеч киши бунинг ҳақиқатига мулоҳаза қилмаганлиги юзасидан бу ҳолатлар яширин қолибдур. Ва шумликни билмайдиган туркнинг содда очикфеъл, йигитлари осонликни кўзлаб, ёнгил йўлни тутиб форсий сўзлар билан назм айтурга машгул бўлибдурлар. Ва ҳақиқатан ҳам агар киши яхши мулоҳаза қилса ва яхшироқ ўйлаб кўрса, фикрласа, чун бу тилда, турк тилида кенглик ва майдонида мунча очиклик топилур, керакким, мунда турли усулда сўз айтиш, айта олишлиг ва чиройли сўзлашлик ва шеър тузиш ва ҳикоя, достон, эртак, афсона айтишлиг осонроқ бўлғай ва амалда ҳам осонроқдур” [Навоий, 2021: 264]

Қиёслаш методологиясида қиёсий-тарихий ва чоғиштириш (ёки қиёсий-чоғиштирув) методи энг асосий методлардан ҳисобланади. Бу методлар моҳиятан бир-бирига яқин, аммо фарқ қилади. «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида Навоий асосан чоғиштириш методидан фойдаланган. **Чоғиштириш методи** – филологик ҳодисаларни тизимли қиёслашга асосланган метод бўлиб, асосан фарқли хусусиятларни очиб беришга қаратилган методдир. Шунинг учун ҳам тилшуносликда бошқача номи контрастив метод деб аталади. Фанда мазкур методнинг назарий асослари тилшунос олим И.А.Бодуэн де Куртенэ томонидан XIX асрда ишлаб чиқилган. Е.Д.Поливанов, Л.В.Шерба, С.И.Бернштейн, А.А.Реформатский, Ш.Балли каби олимлар бу борадаги илмий ишларни давом эттиришган. [Поливанов, 1933]

Алишер Навоий қўллаган қиёсий таҳлил натижалари инсон маънавиятини оширишда, ўзлигини англашда муҳим рол ўйнайди. «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида шоир тил софлиги, она тилига ҳурмат каби бугунги кунда ҳам долзарблигича қолаётган муҳим масалани кўндаланг қўяди, “...турк тилининг мукамаллиги, қамрави, тўқлилиги мунча далиллар билан собит бўлди, ўрнига қўйилди”-деб ёзади, “шоир, ёзувчилар қобилият ва истеъдодларини ўз тиллари турганда ўзга эл тили билан айтмасликлари, юзага чиқармасликлари ва ишга солмасликлари керак эрди”- дея маслаҳат беради. Ўша даврда ўз тили туриб, ўзга тилда ижод қилган шоирларни “... турк улуси ёзувчиларининг кўплари сорт тили билан назм айтгайлар ва билкулл, бутунлай турк тили билан назм айтмагайлар, балки кўпчилиги айта олмагайлар ва айтсалар ҳам сорт турк тили билан назм айтгандай; услубият қондасига мувофиқ сўзловчи турклар, нозик нукталарни, яширин маъноларни тушунувчи турклар қошида ўқий ва ўтқара олмагайлар ва ўкусалар, ҳар сўзларига юз айб топилгай ва ҳар бир сўз тузишларига юз эътироз пайдо бўлгай” -дея изоҳлайди. Энг муҳими тилимизнинг бойлиги ва мафтункорлиги ҳақида ўз фикрларини “.. бас, етар, кифоядир бу сабаблардан андоқ маъ- лум бўлурким, чун турк тилида ажойиб, гаройиб сўзлар ва ифодалар кўпдир” - деб хулосалайди. [Навоий, 2021: 265] Дарҳақиқат агар миллий ғурури бор ҳар қандай инсон Алишер Навоийдек фикрласа, миллат ўлмайди, тил йўқолмайди.

Адабиётлар:

1. Алишер Навоий Муҳокамат ул-луғатайн .Тошкент : Гафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи. 2021. –Б. 286.
2. Жирмунский В.М. Сравнительное литературоведение // Изб.тр. – М.: Наука, 1979;
3. Каримов Б. Адабиётшунослик методологияси. – Тошкент: Мухаррир, 2011. – Б.73 – 75.
4. Кокорин А.А. Сравнительный анализ: теория, методология, методика. – М.: МГОУ, 2009.
5. Минералов Ю.И. Сравнительное литературоведение (Компаративистика). Учебник. – М.: Юрайт, 2018;
6. Поливанов Е.Д. Русская грамматика в сопоставлении с узбекским языком. – Ташкент, 1933;
7. Реформатский А.А. О сопоставительном методе // Русский язык в национальной школе. 1962. №5; Методы сопоставительного изучения языков. – М., 1988.
8. Эшонбобоев А. Қиёсий-тарихий метод ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2008. №4. – Б.38–46;